



ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Султонов Дилмурод
Эркинжонович**

*Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ижтимоий
соҳалар иқтисодиёти ва молияси департаменти
Таълим, фан ва инновация соҳалари иқтисодиёти ва
молияси бошқармаси Таълим кредитини
молиялаштириш жамғармасини бошқариш бўлими
бошлиғи*

Мамлакатимизда ёшларни билимли ва малакали кадр сифатида тарбиялаш, жаҳон меҳнат бозори талабига жавоб берувчи мутахассислар тайёрлаш мақсадида таълим тизими, хусусан олий таълим тизими изчил ривожлантириб борилмоқда. Олий таълим соҳасидаги дастлабки ислохотлар, аввало, мазкур соҳа фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш. Битирувчиларни олий таълим билан қамровини ошириш, олий таълим муассасаларининг молиявий аҳволини яхшилаш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий ва ўқув фаолиятини моддий томондан қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Булар тўғрисида Президентимиз Ш.Мирзиёев мамлакатимизда олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида тўхталар экан, қуйидагиларни таъкидладилар: “Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳудудларда янги олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши, кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳамда сиртқи ва кечки бўлимларнинг очилиши, олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг оширилиши мазкур йўналишдаги муҳим ислохотлар ҳисобланади”¹.

Мамлакат тараққиётида таълим тизимининг ҳолати ва кадрлар тайёрлаш жараёни муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда таълим соҳасини молиялаштиришнинг асосий манбаси давлат бюджети маблағлари ҳисобланади. Бироқ, сўнгги йилларда мамлакатда рақамли иқтисодиётнинг босқичма-босқич жорий этилиши, аҳоли даромадларининг кўпайиши ҳамда таълимнинг инсон ҳаётидаги ўрнининг кўтарилиши мамлакатда давр талабларига жавоб бера

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони. 08.10.2019

оладиган давлат таълим муассасалари билан бир қаторда, нодавлат таълим муассасалари ҳам ташкил топиб бормоқда. Бу ўз навбатида, бевосита таълим муассасалари ўртасидаги рақобатни кўтарилишига, давлат бюджетида таълим соҳасига ажратиладиган харажатларнинг оптималлашишига ҳамда молиялаштиришнинг диверсификацияланишига олиб келмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда давлат бюджети харажатларининг 30 фоиздан кўпроғи таълим тизимини молиялаштиришга сарфланмоқда, унинг асосий улуши умумий ўрта таълимни молиялаштириш учун йўналтирилган. Барча тармоқ ва соҳаларини малакали мутахассислар билан таъминлашни мақсад қилган олий ўқув юртлари ҳам таълим тизимининг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади ҳамда мазкур соҳага давлат бюджетидан 2018 йилда 1012,8 млрд., 2019 йилда 1593 млрд. сўм, 2020 йилда 1885,5 млрд. сўм, 2021 йилда 2187,7 млрд сўм, 2022 йилда эса 5248,8 млрд сўм² маблағ ажратилиши режалаштирилган. Ушбу рақамлардан шуни гувоҳи бўлишимиз мумкинки, давлат бюджетидан олий таълим тизимини молиялаштиришга 2022 йилда олдинги йилга нисбатан 2,4 баробар, 2018 йилга нисбатан эса 5,2 баробар кўпроқ маблағ ажратиш режага киритилган.

Давлат бюджети маблағлари чексиз эмаслигини ҳисобга олган ҳолда мавжуд молиявий ресурслардан оптимал фойдаланиш ҳозирги кундаги энг муҳим масалалардан бири саналади. Бунинг учун албатта самарали молиялаштириш механизми ишлаб чиқилиши ва унинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилиши лозим.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳам ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки даврлардан бошлаб таълим соҳаси, жумладан олий таълим тизимини тартибга солиш, молиялаштириш тартиби бўйича бир қатор меъёрий ҳужжатларни қабул қилинди. Буларнинг энг асосийси 2020 йил 23 сентябрь куни тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳисобланади. Мазкур қонун 11 боб, 75 моддадан иборат бўлиб, унда асосан таълим соҳасига оид асосий тушунчалар, таълим принциплари, таълим тизими, турлари ва шакллариининг мазмуни, таълим тизимини бошқариш, таълим фаолиятини ташкил этиш ва унинг назоратини амалга ошириш тартиби, таълим ташкилотлари педагог ходимларининг ҳуқуқий мақоми, таълим олувчилар ва уларнинг ота-оналарининг ҳамда бошқа қонуний вакиллариининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, таълим-тарбия жараёни иштирокчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш, нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш, таълим ташкилотларини аттестация ва аккредитациядан ўтказиш, хорижий давлатда олинган таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш, таълим соҳасидаги ҳужжатларга апостиль қўйиш, таълимни молиялаштириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби, таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик алоқалари, таълим тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик масалаларига изох берилган. Мазкур қонуннинг 9-боби айнан таълимни молиялаштириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашга

² Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги - Фуқаролар учун бюджет, 2018-2022 йиллар.

мўлжалланган бўлиб, унга мувофиқ Давлат таълим муассасаларини молиялаштириш қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан;

туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан;

кадрлар буюртмачиларининг маблағлари ҳисобидан;

бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Нодавлат таълим ташкилотларини молиялаштириш эса муассисларнинг, кадрлар буюртмачиларининг пул ва моддий маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади³.

Мазкур қонунга мувофиқ Давлат таълим муассасаларига уставида белгиланган вазифаларга мос пуллик таълим хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш, шу билан бирга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсат берилган, бироқ пуллик таълим хизматларини кўрсатиш таълим муассасасининг асосий фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим. Улар томонидан кўрсатилган қўшимча таълим хизматлари учун ҳақ ундириш тартиби ва мазкур маблағлардан фойдаланиш таълим муассасаси томонидан мустақил белгиланади.

³ Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонуни.